

# Ўзбекистонда қизлар мактабда миллий рўмол ва дўппида бўлишига рухсат берилди



12:00 / 04.09.2021 4110

Қизлар рўмол ва дўппида мактабга келиши мумкин. Бу ҳақда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов айтиши даъво қилинган очик мулоқот вақтида маълум қилди.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бошчилигида 2021-2022 ўқув йили ташкил этилишига бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтмоқда. Унда айтилишича, янги ўқув йилида мактаб ўқувчиларига миллий рўмол ва дўппида бўлишга рухсат берилди.

“Кўпчилик ота-оналарнинг мурожаатларини инобатга олиб, миллий кадриятларимизни инобатга олган ҳолда, қизларимиз учун истисно тариқасида мактабда оқ ва очик рангларда миллий рўмол (бошнинг орқа томонига ўралган ҳолатда) ва дўппида бўлишларига рухсат этилади”, дея

маълум қилди вазир.

***Manba:Kun.uz***